

01/20-2-77-son
2026-yil 30-aprel

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазири –
Хавфларни бошқариш қўмитаси
раиси



И. Абдурахмонов

“ 30 ” апрель 2026 йил

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг
Хавфларни бошқариш қўмитаси йиғилиши
БАЁНИ 20-2-77-сон**

2026 йил “__” апрель

Қибрай тумани

Раислик қилувчи: – Б.Охунов – Хавфларни бошқариш қўмитаси
(Қўмита) раиси ўринбосари

Иштирок этдилар: – Қўмита аъзолари, котиб, вазирлик таркибий
бўлинмалари ва тизим ташкилотларидан
таклиф этилган мутахассислар

КУН ТАРТИБИ:

**Вазирлик таркибий бўлинмаларининг фаолияти ва мақсадли
кўрсаткичлар (индикаторлар)га эришиш билан боғлиқ аниқланган
молиявий ва бошқа хавфлар ва уларни бартараф этиш чоралари
тўғрисида.**

(Охунов, Қулмирзаев, Пардаев, Бурханов, Тешабоев, Ашуров, ... Охунов)

Қўмитаси раиси ўринбосари Б.Охунов йиғилишни очиб, кун тартибидаги масаланинг аҳамияти, тизимда хавфларни барвақт аниқлаш, уни бартараф қилиш ёки таъсирини камайтириш вазирликка юклатилган вазифаларни самарали амалга оширилишининг муҳим бўғини эканлиги, хавфларни бошқариш жараёни ягона тизим орқали амалга оширилиши бўйича атрофлича тўхталиб ўтди.

Йиғилиш раиси вазирлик таркибий бўлинмалари томонидан ўз фаолиятига оид хавфларни аниқланиши, баҳоланиши ва уларнинг реестрини шакллантирилиши ҳамда хавфларни камайтириш (олдини олиш, бартараф этиш) бўйича чора-тадбирлар режаси лойиҳасини ишлаб чиқилиши хусусида таништириб ўтиб, таркибий бўлинмалар томонидан амалга оширилган ишлар билан батафсил таништириш учун сўзни қўмита котиби Н.Тошматовга берди.

Қўмита котиби Н.Тошматов жорий йилнинг 19 январида Хавфларни бошқариш қўмитасини йиғилишида тасдиқланган хавф даражаси “ўрта” ва “юқори” бўлган 21 та хавф бўйича реестр ва чора-тадбирлар режаси тасдиқланганини, ушбу чора-тадбирлар режаси 01/20-5-сон билан “edo.ijro.uz” АТ орқали ижрога қаратилганлигини билдирди.

Шунингдек, Н.Тошматов сўзини давом эттириб,

- вазирликнинг 2026 йил 6 февралдаги 27-сон (ИЧБ) буйруғи асосида хавфларни бошқариш жараёнларини янада такомиллаштириш мақсадида хавфларни аниқлаш ва баҳолаш жараёнига кўмаклашиш учун Ички аудит бошқармаси ходимлари ҳар бир таркибий бўлинмаларга бириктирилганлигини;

- жорий йилнинг март ойида иш режа асосида хавфларни бошқариш жараёнидаги аниқланган хавфларнинг баҳоланиши, чора-тадбирлар режасининг ишлаб чиқилиши ва бажарилиши ҳамда хавфларни бошқариш жараёни билан боғлиқ аудит тадбири ўтказилиб, қўмита раисига ахборот киритилганлигини;

- аудит тадбири натижасига кўра таркибий бўлинмаларга жорий йилнинг 20 апрелга қадар 20 тадан хавфни аниқлаб таъсирини камайтириш, бартараф этиш чораларини кўриш бўйича раҳбарнинг 2026 йил 2 апрелдаги 11/249-сон топшириғи берилганини;

- ушбу топшириққа кўра фақатгина Тошкент давлат аграр университети 17 та хавфни аниқлаб, хавфларни баҳолаб ва чора-тадбирлар режаси лойиҳасини ишлаб чиққанини, бундан бошқа бошқа таркибий бўлинмалар мазкур топшириқни бажармаганини;

- Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган Uzbekistan Government Quality Award дастури бўйича баҳолаш жараёнида давлат органларининг ички назорат ва хавфларни бошқариш жараёнига катта урғу берилаётганини билдирди.

Шундан сўнг, вазифаларни бажарилиши юзасидан таркибий бўлинмаларнинг масъулиятини ошириш мақсадида қуйидаги таклифлар билдирилди:

1. Барча тизим ташкилотлари вазирликнинг 2025 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигида молиявий ва бошқа хавфларни бошқаришни самарали ташкил этиш тўғрисида”ги 136-сон буйруғи асосида ўзларининг буйруқларини қабул қилиши, буйруқда хавфларни бошқариш жараёнини мувофиқлаштирувчи масъул ходим белгиланиши, хавфларни бошқариш бўйича ишчи гуруҳ тузилиши, масъул ходим, ишчи гуруҳ ва ташкилот таркибий бўлинмаларининг аниқ вазифалари ва бажариш муддатларини белгиланиши;

2. Хавфларни бошқариш жараёнида фаол иштирок этган ходимларни қонунчиликда кўзда тутилган тартибда рағбатлантириб бориш;

3. Таркибий бўлинма ва тизим ташкилотлари раҳбарларини КРІ кўрсаткичларига хавфларни бошқариш жараёни кўрсаткичларини киритилиши.

Қўмита ишчи органи - Ички аудит бошқармаси бошлиғи Ф.Ашуров сўзга чиқиб тизим ташкилотлари ва таркибий бўлинмалардан зарур бўлган маълумотларни олиш, лозим бўлган мутахассисларни жалб қилиш ҳамда хавфларни бартараф этиш бўйича маълумот ва ҳисоботлар олиш ваколатига эга эканлиги ҳамда мажбуриятлари тўғрисида сўз юритиб, бундан кейинги фаолиятда бундай ҳолатлар такрорланмаслиги бўйича огоҳлантирди.

Шунингдек, таркибий бўлинмалар ва тизим ташкилотларида фаолиятида хавфларни келиб чиқиш сабаблари ва уларни олдини олиш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги хавфларни юзага келишига имкон берувчи зиддиятларни бартараф этиш бўйича тушунтиришлар берди.

Шу ўринда, вазирлик таркибий бўлинмаларига ўз фаолиятига оид хавфларни аниқлаши ва баҳолаб уларнинг реестрини шакллантириши, хавфларни камайтириш (олдини олиш, бартараф этиш) бўйича чора-тадбирлар режаси лойиҳасини ишлаб чиқиб ва унинг бажарилишини таъминлаши ҳамда уларнинг мониторингини юритиш бўйича мажбуриятини таъкидлаб ўтди.

Хавфлар реестрини шакллантириш бўйича таркибий бўлинмалар ва тизим ташкилотларига берилган топшириқлар бўйича аксарият бўлинмалар хавфлар мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот берганлиги, яъни топшириқ ижросига етарлича эътибор қаратилмаётганлигини маълум қилиб, Хавфларни бошқариш қўмитаси котиби Н.Тошматовнинг таклифларини қўллаб-қувватлади.

Хавфлар реестрини шакллантириш юзасидан берилган топшириқлар бўйича вазирликнинг таркибий бўлинмалари томонидан тақдим этилган хавфлар асосида шакллантирилган реестр Қўмитага тақдим этилди ва мазмуни билан йиғилиш иштирокчиларини таништириб, уларни бартараф этиш бўйича таклифларни йиғилиш муҳокамасига берди.

Йиғилиш иштирокчилари хавфларни шакллантириш, бартараф этиш бўйича ўзларини қизиқтирган мавзуларда Қўмита ишчи органига саволлар билан мурожаат этиб, хавфлар реестри, чора-тадбирлар режаси лойиҳаси муҳокама қилинди.

Муҳокамага кўра хавф даражаси паст баҳоланган хавфлар реестрга киритилмаслик таклифлари берилиб, Тошкент давлат аграр

университети ва Ички аудит бошқармаси томонидан тақдим қилинган 11 та хавфни реестрга киритиш ва чора тадбирлар режаси асосида хавфни камайтириш бўйича таклифлар берилди.

Кун тартибидаги масала бўйича ҳамда билдирилган таклифларни инобатга олиб, йиғилиш **қарор қилади:**

1. Қўмита ишчи органи – Ички аудит бошқармасининг Қўмитага киритган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Йиғилиш муҳокамаси ва берилган таклифлардан келиб чиқиб хавфлар реестри 1-иловага мувофиқ, хавфларни бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Статистик таҳлил ва прогнозлаштириш бўлими жорий йилнинг 10 майига қадар таркибий бўлинмалар ва тизим ташкилотлари раҳбарларининг KPI кўрсаткичларига хавфларни бошқариш жараёнининг ташкил этилиши, ижроси ва натижадорлигини баҳоловчи кўрсаткичларни киритиш юзасидан таклиф киритсин.

4. Вазирлик тизими ташкилотлари жорий йилнинг 10 майига қадар: вазирликнинг 2025 йил 30 майдаги 136-сон буйруғи асосида хавфларни бошқариш жараёнини мувофиқлаштирувчи масъул ходимни белгилаш, хавфларни бошқариш бўйича ишчи гуруҳ тузиш, шунингдек масъул ходим, ишчи гуруҳ ва ташкилот таркибий бўлинмаларининг аниқ вазифалари ҳамда ижро муддатларини белгилаган ҳолда тегишли буйруқ қабул қилиш чораларини кўрсин.

Йиғилиш котиби



Н. Тошматов

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Хавфларни бошқариш қўмитасининг
30 апрель 2026 йилдаги 01/20-2-77-сон
йиғилиш баёни 1-илоvasи

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг
ХАВФЛАР РЕЕСТРИ

Хавф тури*	Хавф тоифаси*	Ташкилий тасниф**	Хавф тартиб рақами	Хавф номи	Хавф даражаси	Хавф баҳоси	Хавф эгаси
1	02	082	0001	Ички аудит бошқармаси 2026 йил иш режаси қисман бажарилмаслиги	4,6	ЎРТА	Ички аудит бошқармаси
1	01	082	0002	Кредит-модуль тизимида хатолар	4	ЎРТА	Тошкент давлат аграр университети (АКТ бўлими)
1	03	082	0003	Таълим сифати пасайиши	4	ЎРТА	Тошкент давлат аграр университети (Ўқув ишлари проректори)
1	01	082	0004	Илмий тадқиқотлар самарасизлиги	3,5	ЎРТА	Тошкент давлат аграр университети (Илмий проректор)
1	01	082	0005	Илмий маблағлардан самарасиз фойдаланиш	3,4	ЎРТА	Тошкент давлат аграр университети (Ички аудит)
1	05	082	0006	Амалиётларни сифатсиз ташкил этиш	3,2	ЎРТА	Тошкент давлат аграр университети (Факультетлар)
1	01	082	0007	Лаборатория жиҳозларининг	3,4	ЎРТА	Тошкент давлат аграр университети

				яроқсизлиги			(Хўжалик бўлими)
1	01	082	0008	Харидларда қонунбузилиш	3,3	ЎРТА	Тошкент давлат аграр университети (Юридик бўлими)
1	03	082	0009	Давлат мулки талон-тороғ қилиниши	3,4	ЎРТА	Тошкент давлат аграр университети (Бухгалтерия бўлими)
1	01	082	0010	Талабалар турар жойида санитар ҳолат бузилиши	3,4	ЎРТА	Тошкент давлат аграр университети (Ёшлар бўлими)
1	01	082	0011	Талабаларни қабул буйруқларини расмийлаштириш жараёнида вазифа ва ваколатлар аниқ тақсимланмаганлиги	3,4	ЎРТА	Тошкент давлат аграр университети (Қабул комиссияси)

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Хавфларни бошқариш қўмитасининг
30 апрель 2026 йилдаги 01/20-2-77-сон
йиғилиш баёни 2-илоvasи

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг хавфларни камайтириш (олдини олиш ва бартараф этиш)
юзасидан

ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

№	Хавф номи*	Чора-тадбир номи*	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул бўлинма
1	Ички аудит бошқармаси 2026 йил иш режаси қисман бажарилмаслиги	Иш режага ўзгартириш киритиш	Иш режага киритилмаган ташкилотлар бўйича риск тахлил ўтказиб, ички аудит тадбири ўтказиш мумкин бўлмаган ташкилотларни рўйхатдан чиқариш ва ўрнига риск даражаси юқори бўлган ташкилотларни қўшиш	01.10.2026 йил	Ички аудит бошқармаси
2	Кредит-модуль тизимида хатолар	Рейтинг жараёнини автоматлаштириш	Хатога йўл қўйган бўлинмалар учун жавобгарлик механизмлари	01.06.2026 йил	Тошкент давлат аграр университети (АКТ бўлими)
3	Таълим сифати пасайиши	Ўқув режаларни қайта кўриб чиқиш	Ўқув режа ва фан дастурларини меҳнат бозори талабларига мослаштириш	01.06.2026 йил	Тошкент давлат аграр университети (Ўқув ишлари проректори)
4	Илмий тадқиқотлар самарасизлиги	КРІ асосида баҳолаш	Амалиётга йўналтирилган ва инновацион тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш	01.06.2026 йил	Тошкент давлат аграр университети (Илмий проректор)
5	Илмий маблағлардан самарасиз фойдаланиш	Мақсадли аудит	Самарасиз харажат моддаларини вақтинча тўхтатиш. Бюджетни қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш	01.09.2026 йил	Тошкент давлат аграр университети (Ички аудит)

6	Амалиётларни сифатсиз тапшиқ этиш	Кластерлар билан шартнома	Амалиёт дастурларини қайта кўриб чиқиш ва янгилаш. Самарасиз амалиёт базаларини алмаштириш ёки бекор қилиш.	01.09.2026 йил	Тошкент давлат аграр университети (Факультетлар)
7	Лаборатория жиҳозларининг яроқсизлиги	Модернизация режаси	Муҳим фанлар учун муқобил лабораториялардан фойдаланиш, Корхоналар ва илмий марказлар билан ҳамкорликда лабораториялар яратиш.	01.09.2026 йил	Тошкент давлат аграр университети (Хўжалик бўлими)
8	Харидларда қонунбузилиш	Харид комиссияси	Қонун бузилиши аниқланган харидларни вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш, Масъул ходимлар учун мунтазам малака ошириш (давлат харидлари қонунчилиги).	01.12.2026 йил	Тошкент давлат аграр университети (Юридик бўлим)
9	Давлат мулки талон-торож қилиниши	Инвентаризация	Аниқланган қонунбузарлик ҳолатларини дарҳол тўхтатиш. Коррупцияга қарши ички комплаенс тизимини кучайтириш.	01.12.2026 йил	Тошкент давлат аграр университети (Бухгалтерия бўлими)
10	Талабалар турар жойида санитар ҳолат бузилиши	Санитар мониторинг	Талабаларга санитар қоидалар бўйича огоҳлантириш ва тушунтириш ишлари. Гигиена маданиятини ошириш бўйича тарбиявий тадбирлар.	01.06.2026 йил	Тошкент давлат аграр университети (Ёшлар бўлими)
11	Талабаларни қабул буйруқларини расмийлаштириш жараёнида вазифа ва ваколатлар аниқ тақсимланмаганлиги	назорат ва ижро интизоми	Хатога йўл қўйган бўлинмалар учун жавобгарлик механизмлари	01.06.2026 йил	Тошкент давлат аграр университети (Қабул комиссияси)